Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 156 (13.112).
7 июль 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

«Фергананефтегаз» бирлашмасига қарашли икки газ конторасиРишток ва Хўжаобод газ контораларининг коллективлари пландан ташқари ёқилғи чиқариш юзасидан йиллик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар.

Айниқса қишлоқ районларига газ етказишни кўпайтириш мақсадида Фарғона водийсида бир неча янги ер ости линиялари қурилмоқда. Ришток «зангори олов» манбаидаги янги кон қудуқлардан ёқилғи Қўқонга келтирилади. Ленинск шаҳрига газ етказиб берилади ҳам ортади. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

«САМАРҚАНДЛИКЛАР ТАШАББУСИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Экономическая газета»нинг 30 июнь сонида босилган «Самарқандликлар ташаббуси» сарлавҳали мақола билан танишиб чиқиб, унда қишлоқда иқтисодий ўқишга область ва район партия комитетларининг раҳбарлиги тўғрисидаги масала ва бригада ҳамда фермаларда хўжалик ҳисобини жорий этиш масаласи ўз вақтида тўғри кўтариб чиқилди, деб ҳисоблайди.

Самарқанд область партия комитети ва район партия комитетлари районлар ва хўжаликларда бевосита колхоз ва совхоз раҳбарлари, бригада ва ферма бошлиқлари мутахассислар ва ҳисобчи ходимларнинг иқтисодий таҳлил қилиш юзасидан ўқувини йўлга кўйдилар, шу асосда бригада ва фермаларда хўжалик ҳисобини кенг жорий этишга муваффақ бўлдилар. Область хўжаликларида ҳисоб ва ҳисоботнинг жорий этилган системаси меҳнатни ҳисобга олишни тартибга келтириш, ишлаб чиқаришга маблағларнинг сарфланиши устидан контролни яхшироқ ташкил этиш, унумсиз харажатларнинг олдини олиш, деҳқонларнинг меҳнатдаги активлигини ҳамда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўз меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беради.

Дала шийпонларида ва фермаларда ташкил этилган экономика бурчаклари колхозчиларга ва совхоз ишчиларига ўз ишлаб чиқариш участкаларидаги ҳақиқий иқтисодий аҳволни, ўз иш натижаларини, иш ҳақлари ва хўжалик ҳисоби якунларини яққол кўриб боришларига имкон бермоқда. Хўжаликларга иқтисодий ўқишни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини таҳлил қилишда ёрдам бериши керак бўлган иқтисодий кенгашлар тузиш тажрибаси ҳам ўзини оқламоқда. Областда ва районларда тузилган иқтисодий кенгашлар иши ана шундан далолат бериб турибди.

Иқтисодий ишлар ва хўжалик ҳисоби кенг миқёсда ташкил этилганлиги ҳозирдаёқ ўзининг самараларини бермоқда. Областдаги кўпгина хўжаликлар биринчи ярим йилликни жуда яхши иқтисодий кўрсаткичлар билан якунладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанд область партия комитети ва район партия комитетларининг кадрларнинг иқтисодий ўқишини ташкил этиш ҳамда қишлоқда иқтисодий ишлар системасини вужудга келтириш соҳасидаги тажрибасини маъқуллади ва барча область, район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик министрлиги, унинг жойлардаги органлари, «Узглавсадвиннсонсерва» Давлат комитети зиммасига ана шу тажрибани ўрганиб чиқиш ва уни республиканинг ҳамма хўжаликларига кенг жорий қилиш вазифасини юклади. Токи бу тажриба пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган бўлсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик экономикаси институтига, республика Фанлар академияси экономика институтига, Тошкент Халқ хўжалиги институтига, республика қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг экономика кафедраларига илғор колхозлар, совхозлар ва районларда экономика ишларини ташкил этиш тажрибасини умумлаштириш ва хўжаликларга хўжаликнинг ички ҳисобини такомиллаштириш юзасидан маслаҳатлар тайёрлаб бериш, уларга иқтисодий иш ҳамда ўқиш системасини жорий қилиш соҳасида амалий ёрдам кўрсатиш таклиф этилди.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига самарқандликларнинг тажрибаси қандай оммалаштирилаётганлигини матбуотда мунтазам ёритиб бориш вазифаси топширилди.

ШАХСИЙ НАМУНА—

РАҲБАР ХОДИМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Раҳбар ходим ўзи бошқараётган коллективда жон куйдириб меҳнат қилса, умумхалқ иши учун садоқат билан ишласа, ўзи раҳбарлик қилаётган соҳани яхши билса, малакасини, билимини тинмай ошириб борса, маънавий ҳаётда, кишиларга муносабатда, юриш-туришда, оилада юксак инсоний хислатлар эгаси бўлса иззат-ҳурматга сазовор бўлади, коллективнинг ҳақиқий ишончини қозонади. Агар у ўз устида ишламаса, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб қадам ташламаса, ишлаб чиқариш экономикасини чуқур билмаса, шахсан ўзи намуна кўрсатиб ишламаса коллектив эътиборидан четда қолади. Натижада коллективда интизом бўшашади, бир-бирини менсимаслик, бюрократизм, танқидни бўғиш, хушомадгўйлик каби ярамас ҳоллар юз беради.

Партия раҳбар ходимининг юксак намунасини улуғ йўлбошчимиз В. И. Ленин ёрқин кўрсатиб берди. Владимир Ильичнинг ҳаёти, иш фаолияти, партиямизга, мамлакатимизга раҳбарлик қилишдаги юксак маҳорати, чарчаш нималигини билмасдан ишлаши, халқчиллиги, ниҳоят даражада камтарлиги, кишиларга меҳрибон ва дўстлиги, умумхалқ иши учун жон куйдириши каби олижаноб фазилатлари ҳақиқий большевикнинг, раҳбар ходимнинг ажойиб намунасидир. Ленин партиянинг раҳбари, дунёда биринчи социалистик давлатнинг бошлиғи сифатида юксак ақл-заковатли сиёсатчи, ўткир зеҳнли донишманд йўлбошчи, принципиал раҳбар ва устоз эди. Коммунист сифатида ўз атрофида бўлаётган воқеаларга бефарқ карай олмайдиган, умумхалқ манфаати йўлида ҳар қандай қийинчиликларга бардош берадиган пўлат иродали, партиянинг топшириқларини бажаришга ҳамиша шай бўлиб турган партиянинг оддий солдати, сиёсий жангчиси эди. Ленин инсон сифатида энг камтарин, ростгўй, ҳамма учун, ёшга ва қарига ҳам, ишчи ва деҳқонга ҳам, олим ва давлат арбобига ҳам бирдай ўртоқ ва маслаҳатгўй, инсонпарвар эди. Шунинг учун ҳам биз Ленинни севамиз, ишда ҳам, курашда ҳам, ҳаётда ҳам унга тақлид қиламиз, унинг юксак, покиза сиймоси олдида бош эгамиз. Биз раҳбар ходимнинг шахсий намунасини Лениндан ўрганмоғимиз даркор.

Коммунистик партия Ленин мактаби тарбиясини ўтган, ўз ишига чечан, ташкилотчи, жонкуяр, ажойиб кадрлар армиясини тарбиялаб етиштирди. Республикамиз партия ва совет ташкилотларида, саноат корхоналари ва қурилишларида, колхоз ва совхозларда, илмий ва маданий муассасаларда ишлаётган ана шу кадрлар армияси хўжалик ва маданий қурилишнинг хилма-хил участкаларига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар.

Мусажон Шербўтаев бир неча йилдан бери Қува районидаги «Коммунизм» колхозига раислик қилади. У 12 йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди, ўзининг ташкилотчилиги, жонкуярлиги, хўжалиққа ишнинг нўзини билиб раҳбарлиқ қилганлиги туфайли эл-юрт олдида обрў-эътибор қозонди. Колхоз экономикаси йил сайин ўсиб мустаҳкамланиб бормоқда. Колхоз ўтган йили ҳосилдорлиги гектар бошига 31,5 центнерга етказди. Машина терими кенг қулоч ёзмоқда. Ўтган йили 1700 тонна «оқ олтин» машиналарда териб олинди. Мўл ҳосил катта даромад келтираётир. Колхоз ўтган йили 2 миллион 900 минг сўм даромад олди. Бундан колхоз экономикаси ҳам мустаҳкамланмоқда, колхозчилар ҳам беҳад хурсанд. Кейнигги йилларгагина 350 хонадон янги уйларга кўчиб кирди. Колхоз бу йил 2000 гектар ерда пахта ўстирмоқда. Она-Ватанга 7000 тонна «оқ олтин» сотади. Бундай ишбилармон, умумхалқ иши учун жони куядиган, ҳамма соҳада шахсан намуна кўрсатиб ишлаётган талантли, тадбиркор, меҳнатсевар кишилар республикамизда жуда кўп.

Лекин шундай раҳбар ходимлар ҳам борки, ўзлари шахсан намуна кўрсатиб ишламайдилар, бошқаларга ўрнак бўладиган даражада иш юритмайдилар. Бундай ходимлар ўз устларида ишламай қўядилар. Ҳаётдан орқада қолиб кетадилар. Бунинг устига турмушда, юриш туришда, оилавий ҳаётда ноўрин ишлар қиладилар. Ўзлари партия ва давлат интизомини бузадилар, ишлаб чиқаришда кам бўладилар, иш соатларида ўз шахсий ишлари билан банд бўладилар. Ахир, бундай ходимлар ўзлари меҳнат интизомини бузатуриб қандай қилиб бошқалардан интизомли бўлишни талаб эта олади. Ахир партиямиз Уставида, давлат қонунларида раҳбар ходимлар учун алоҳида, оддий ходимлар учун алоҳида интизом, алоҳида қонун-қоида йўқ-ку! Хушомадгўйликни касб қилиб олган, ўз атрофига лаганбардор, «содиқ» кишиларни йиғиб олган, ўзидан вазифаси юқориларга бошқача муомала, вазифаси қичиноқларга эса бошқача муносабатда бўладиган иккиюзламачилар ҳам борки, улар раҳбарликка нолойиқдирлар. Раҳбар ходим агар у оилавий ҳаётда ноўрин ишлар қилса, кишилар билан муносабатда қўполликка йўл қўйса, маиший ҳаётда ноғора бўлса, хушомадгўйлик қилса, ўз ходимларидан интизомли, одобли бўлишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўла олмайди. Бунинг устига баъзибир раҳбар ходимлар давлат, халқ мулкига хиёнат қиладилар.

Аҳмед Абдурахмонович Тюляков бир неча йиллардан буён Хоразм область қурилиш-ремонт бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. У кейинги вақтларда босар-тусарини билмай қолди. Коллективни менсимай қўйди. Шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз атрофига қаллоблар ва муттаҳамларни тўплаб олиб, давлат мулкини талон-торож қилиш ва кўзбўямачилик йўлига тўпланиб олди. Бунинг устига кишиларга қўпол муносабатда бўлди, интизомсизлик кўрсатди. Натижада коллектив олдида обрў-эътиборини йўқотди, кишиларнинг ишонч ва ҳурматидан маҳрум бўлди. Бошқарма партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ М. Йўлдошев бўлса корхона раҳбарининг ножўя хатти-ҳаракатларига бефарқ қаради. Бу масалада партиявий принципиаллик кўрсатмади. Бундан фойдаланган Тюляков партия ташкилоти билан ҳисоблашмай қўйди. Область партия ва давлат контроли комитети масалани пухта ва синчиклаб текширди, фактларни тўғри деб топиб, Тюляковни вазифасидан четлатишга қарор қилди. Шундан буён бир ойга яқин вақт ўтса ҳам республика Коммунал хўжалик министрлиги ҳамон сукут сақлаб келмоқда. Тюляков эса бошқарма бошлиғи вазифасида ҳозир ҳам ишлаб турибди. Коллектив олдида шармандаю шармисор бўлган, обрў-эътиборини йўқотган, халқ мулкига хиёнат қилган нишига қандай қилиб шундай катта ташкилотни ишониб топшириб қўйиш мумкин?!

Интизомли бўлиш, маънавий понизалик, партиявийлик, жонкуярлик, садоқат билан ишлаш, масалаларни ҳал этишда ленинча принципиал бўлиш, мураккаб масалаларни донолик билан конкрет ҳал этиш, ўз билим даражасини, малакасини тинмай ошириб бориш, кишилар билан муносабатда юксак маданиятли бўлиш, ҳаёт билан бирга қадам ташлаш — раҳбар ходимнинг юксак фазилатидир. Ваҳолонки, коммунизм қурилишининг улкан вазифаси, партиямиз кўйётган талаблар ҳар бир раҳбар ходимдан юксак билимни, экономика масалаларини чуқур билишни, хўжаликка ишнинг нўзини билиб, малакали раҳбарлик қилишни, ташкилотчиликни, шахсан намуна кўрсатиб ишлашни талаб этади. Ваҳоланки, партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг туб, ҳаётий масалаларини кўрсатиб берди, дабдабабозлик, амалий иш ўрнига ваъдабозлик, шовқин-сурон кўтариш, хушомадгўйлик, кишилар шахсини ўринсиз улуғлаш каби умумий ишимизга зарар берадиган иллатларни рўй-рост очиб ташлади.

Улуғ замонамизга лойиқ бўлайлик, партиямиз талаблари даражасида турайлик. Коммунизм идеалларига содиқлик, ҳаёт билан бирга қадам ташлаш, ишлаб чиқаришда, маънавий ҳаётда намуна кўрсатиш, интизомлилик, ҳаққонийлик, инсонийлик, олижаноблик, камтарлик, ҳамиша янгиликка интилиш, кишиларга ўртоқ, дўст, меҳрибон бўлиш — раҳбар ходимнинг муқаддас бурчи ва фазилатидир.

МИРЗАЧЎЛДАГИ 17-совхозининг ўртоқ Т. Зулимов бошлиқ 2-бригадаси далаларини кўздан кечирган кишининг қалби қувончга тўлади. 160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга ахд қилинган бу бригада далаларида ғўзалар яппи гулга кирди. Бригада аъзолари ҳозир ўсимлигни тўртинчи комплекс парваришдан чиқараётирлар, учинчи суғориш давом этмоқда. Суратда: бригада бошлиғи Т. Зулимов ва суғорувчи Б. Бердиёров ўртоқлар.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

А. И. МИКОЯН ДАГОМЕЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян 6 июлда Кремлда Дагомея Республикаси парламенти делегациясини қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида делегация бошлиғи, Дагомея Миллат мажлисининг раиси Тайру Конгаку Совет Иттифоқига келиш имкониятини берганлик ва Совет тупроғида самимий меҳмондўстлик кўрсатганлик учун СССР Олий Советига миннатдорчилик изҳор этди. Тайгу Конгаку СССРга қилган визит фойдали бўлганлигини ва ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ЧИЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 6 июлда Чили Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Максимо Пачеко Гомесни унинг илтимосига кўра қабул қилди. А. Н. Косигин билан Максимо Пачеко Гомес ўртасида иккала мамлакат ҳукуматларини қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлди. (ТАСС).

ЗАФАР сатрлари

● Учқўрғондаги ёғ экстракциси заводининг техник-технологи Турсунжон Набиев смена-саси пахта ёғи ишлаб чиқариш ва ёрдамчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришнинг ҳисобини ва ҳисоботини ва ҳисобчиларнинг ишини ва ҳисобчиларнинг ишини ва ҳисобчиларнинг иш

ИШ ҲАҚИНИНГ ЎЛЧОВИ

Капитал қурилиш масалалари

Кўркам, ҳушқомат биноларни кўрганимизда, қурувчининг қўли дард кўрмасин, деймиз. Бетон, ойна ва алюминийдан тикланган замонавий иморатларни кўриб, кўз қувнайди, дил яйрайди. Афсуски, ҳанузгача ҳам қурилишларда брак таг-томири билан йўқотилмаган. Брак қурилишдаги иллат бўлиб, янги уйга кўчиб кирган оиланинг таъбини хира қилади, янги қурилган корхона ва иншоотларнинг бир меъёрда ишлашига путур етказади... Қаршида бир антиқа бино бор. Бу салкам минг ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишидир. Бу қурилиш ана битади, мана битади деб уч йилдан бери чўзилиб келмоқда. Қурувчиларнинг бир қўли қурса, иккинчи қўли сифатсиз ишни бузяпти.

Бракнинг касофати билан кўп ишларни қайта бажаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам минг-минглаб сўм маблағ беҳуда совурилади. Халқ ва давлат манфаатларига зиён етади. 1964 йилда республика Қурилиш министрлиги ташкилотлари брак туфайли 400 минг сўм маблағни ортиқча сарфладилар. Шу маблағ билан 48 квартирали иккита уй қуриш мумкин эди.

Республикамизда капитал қурилиш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Қурилишнинг аъло сифати учун курашаётган коллективлар тобора кўпаймоқда. Сифат учун курашда Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести коллективи намунали ишлар қиляпти. Бу трест бинокорлари республикада биринчи бўлиб, уй-жойларни гарантияли паспорт билан фойдаланишга топшира бошладилар. Ҳамма қурилиш бошқармаларида сифатни назорат қилиб борувчи жамоатчилик кенгашлари ишлаб турибди. «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг бригадаларида мақтовга лойиқ бир ташаббус бошланди. Ҳар бир бинокорга учта талон бўлган гувоҳнома бериляпти. Агар қурувчи бракка йўл қўйса, биринчи талон йиртиб олинади. Бинокор кўпчиликнинг танбеҳига қулоқ солмай, ўзбошимчалик қилиб сифатсиз ишлайверса иккинчи талон, қолаверса учинчи талон йиртиб олинади. Бинокорнинг разряди пасайтирилади.

Қурилиш сифати масаласи республика Қурилиш министрлигининг махсус қўшма коллегиясида муҳокама қилинди. Ишлаб чиқилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Қурилиш трестларида техника инспекцияси тузилмоқда. Бу инспекция бош инженерларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлади. Улар ҳамкорликда қурилиш-монтаж ишларининг сифати учун курашмоқдалар.

Йил бошидан бери амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини берди. Кўпгина объектлар яхши баҳо билан фойдаланишга топширилди.

Қурилишда суръат жадал бўлгани яхши. Аммо сифат ҳам соз бўлиши керак. Бироқ ҳамма қурилиш ташкилотларида ҳам сифатга катта эътибор бериляпти дейиш қийин. «Ҳурмат тахта»ларига смена нормаларини ошириб бажарган бинокорларнинг сурати қўйилади. Лекин соз қураётган бинокорнинг суратини ҳеч ким ана шу «Ҳурмат тахта»ларида кўргани йўқ.

Қурилиш ташкилотларида ишларнинг аъло сифати учун бинокорларни рағбатлантириш системаси мукаммал эмас. Қурилиш коллективи ва ҳар бир бинокор иш суръатини кўтаришдан манфаатдор. Аммо, соз қурғани учун, аъло сифатли қурғани учун улар моддий жиҳатдан деярли рағбатлантирилмайди. Шунинг учун ҳам суръатга зўр берилиб, сифат унутилиб кетмаётганмикин?! Техника шартлари ва нормаларидан четга чиқилаётганлигининг сабаби шунда эмасмикин?! Хўш, суръат ва сифатни — бу иккала кўрсаткични ҳам назарда тутиб, иш юритиш учун нима қилмоқ керак? Назаримизда, ана шу иккала кўрсаткични ҳам назарда тутиб меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасини ишлаб чиқиш лозим. Биз бу борада мусобақадошларимиз — Белоруссия бинокорларидан ўрнак олсак арзийди. Қардош Белоруссияда комплекс қурилиш бригадаси аъзоларининг меҳнатига аккорд наряд билан уй, этаж, квартира қуриб битказилгани учун ҳақ тўланади. Агар ишбай асосида меҳнат қилаётган бинокорлар топшириқни муддатидан илгари бажасалар, мукофот олишади. Аммо мукофот олиш учун қурилиш сифати соз бўлиши керак. Агар тайёр объект «ўрта» баҳо билан қабул қилинган бўлса норматив вақтнинг ҳар бир процент қисқартирилгани учун ярим процент миқдорида ҳақ тўланади. Агар объект «яхши» ва «аъло» баҳоларда топширилган бўлса, мукофот миқдори шу тариқа ортиб боради.

Республикамиз қурилиш ташкилотларида ҳам кўпгина бригадалар аккорд-мукофот наряди асосида ишламоқдалар. Аммо улар фақат бир кўрсаткични — қурилиш муддатини эътиборга олишади. Агар биз қурилиш бошқармалари ва трестларда белоруссиялик ҳамкасбларимизнинг тажрибасини қўлласак, фақат ютамиз.

Қурилиш сифати қурилиш индустрияси корхоналарининг етказиб бераётган маҳсулоти сифатига ҳам боғлиқ. Темир-бетон конструкцияларининг сифати кўтарилса, қурилиш сифати ҳам яхшиланади. Буни яхши тушунган Тошкент уйсозлик комбинати ходимлари ишчиларни аъло сифатли маҳсулот учун рағбатлантириш йўлидан бормоқдалар. Ҳар бир буюм тайёрлангани учун маълум миқдорда ҳақ тўланиши керак. **Бу корхонада аъло сифатли буюм тайёрлаган бригада ёки айрим ишчи учун расценканинг 15 процента миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.** Агар буюм «яхши» баҳо билан қабул қилинса, расценка миқдори тўланади. Агар тайёрланган маҳсулот техника контроли бўлими томонидан қабул қилинмаса бу буюмга ҳақ тўланмайди. Бу тадбирнинг яхши самаралари аён кўриниб турибди. Ҳозир комбинатда маҳсулотнинг 82 процента «яхши» баҳога қабул қилинмоқда, 15 процента аъло баҳога лойиқ топилянти.

Қурилиш сифатини кўтариш учун моддий манфаатдорлик принципидан кенг фойдаланиб, иш ҳақини қурилиш сифатига чамбарчас боғлаб қўйиш лозим. Яхши ишлаган, жон куйдириб соз бинолар қураётган бинокор яхши ҳақ олиши керак.

И. АҲМЕТОВ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг инженери.

Урганч станциясидаги темир йўлчилар маневр тепловози машинисти Николай Борисович Василенконинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У халол меҳнати билан ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Суратда: тепловоз машинисти С. Зиминков (ўнгда) Н. Василенконни ишдаги муваффақиятлари билан табриклямоқда.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Суръат ошмоқда

Қишлоқларимиз обод бўлсин

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессиясининг шаҳар ва қишлоқлар ободончилигини янада яхшилашга қаратилган қарорини ўз ишларига асос қилиб олган Сурхондарё область Сариосиё колхозлараро қурилиш ташкилоти бинокорлари қурилиш суръатини кун сайин оширмоқдалар.

Район ижроия комитети ва унинг кўп сонли депутатлари қурилишларга бош-қош бўлаётирлар. Айниқса, қурувчиларга яхши маданий-маиший хизмат кўрсатилиб, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига алоҳида эътибор берилаётир. Кўнгилли дам олиш баракали меҳнат қилиш имконини туғдирмоқда.

Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини бераётир. Қишлоқлар жамоли кун сайин очилиб боравётир. Ўтган ойлар ичида «Ўзбекистон» колхозида бир неча уй-жой бинолари битказилиб, фойдаланишга топширилди. Бир неча хўжалик бинолари қад кўтарди. «Ленинград» колхозида 200 кишилик клуб, спорт зали қурилди.

«Коммунизм» колхозида ҳам уй-жой ва жамоат бинолари тез суръатлар билан қурилаётир. Калинин ва Свердлов номли колхозларда касалхона қурилиб, ишга туширилди.

Колхозлараро қурилиш ташкилоти бинокорлари янги қурилиш материалларидан кенг фойдаланмоқдалар, прогрессив иш методларини қўлланаётирлар.

А. ҲАСАНОВ.

ҲУВИЛЛАГАН БОҒЛАР

Завқли меҳнатдан сўнг завқли дам олсанг, нақадар соз! Кино, театрга борсанг, хиёбонларни, истироҳат боғларини сайр этсанг, маданий дам олиб, завқшавқинг ортади. Бироқ бу муҳим масалага Қорақалпоғистон Автоном республикасида яхши эътибор берилмаётир. Биз Нукусдаги «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғига кирдик. Шаҳар маданият бўлими ҳам (мудири А. Бозорова), боғ маъмурияти ҳам (директори ўртоқ Б. Қадирберганов) 20 гектарли бу боғни меҳнаткашлар маданий дам оладиган оромгоҳга айлантириш ҳақида қайғурмаяптилар. Дарахт ва гуллар қовжираган. Фонтанда сув йўқ. Бундан 8 йил илгари келтирилган «Осмон чарҳпалаги» ҳамон ишга туширилмаган.

Марказий йўлкаларга гуллар экилмаган. Йўлларга сув сепилмайди. Боғ безатилмаган.

Шу йилнинг 4 мартида Нукус шаҳар ижроия комитети боғни ободонлаштиришга 18 минг сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Маблағ ва имкон бўлгани ҳолда бу ерни ободонлаштиришда ҳеч бир силжиш сезилмаётир.

Боғнинг уч томони очиқ. Унинг яқинида яшовчи базъи хонадонлар кул, мағзавани боққа чиқариб тўкмоқдалар. Дарахтларни синдириб кетишади, гуллар юлинади. Лекин буни ҳеч ким назорат қилмаётир.

Боғнинг бирон ерида спиртсиз ичимликлар билан савдо қилувчи на дўкон, на павильон бор. Мавжуд чойхона ва ошхоналар бузиб юборилди. Боғ ҳувиллаб ётибди.

Истиқболи порлоқ Хўжайли шаҳрида иккита маданият ва истироҳат боғи бор. Уларда ҳам аҳвол яхши эмас. «Октябрь» боғи бутунлай қаровсиз қолган. Танца майдончаси бузилиб ётибди. Кутубхона ҳамиша қулф. Боққа моллар ҳайдаб қўйилади. Гул ва ниҳоллар пайхон қилинмоқда. «Дружба» маданият ва истироҳат боғида, шунингдек, «Шуманай» совхози марказидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам дарахтлар қуриб кетмоқда. Скамейкалар синиб ётибди. Беруний, Тўрткўл, Амударё, Қўнғирот, Кегайли шаҳар ва район марказларидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яхши шароит яратилмаган.

Автоном республиканинг қадимий шаҳри Чимбойда меҳнаткашларнинг неча бор қилган ҳақли талабларига қарамай шу кунгача маданият ва истироҳат боғи барпо этилмаган. Шаҳар партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорини изчил амалга ошириш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тўбдан яхшилаш шу кунинг муҳим вазифасидир. Қорақалпоғистон Автоном республикаси Маданият министрлиги ва тегишли ташкилотлар меҳнаткашларнинг қувноқ дам олишлари учун барча чора ва тадбирларни амалга оширишлари лозим.

С. ИЗБАСТИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАЯНЧ

Партия турмуши

Серқуёш республикамизнинг энг ёш шаҳри — гўзал Навоий кўп тармоқли саноат шаҳридир. Саноат корхоналарига партиявий раҳбарликни кучайтириш, уларга доимий ёрдам бериб туриш мақсадида шаҳар партия комитетининг қошида бир неча штатсиз бўлимлар ташкил этилган.

— Хўш, бу штатсиз бўлимлар қандай ишламоқдалар? Улар шаҳар партия комитетига ёрдам бераётирларми, йўқми?

— Штатсиз бўлимларнинг ёрдами жуда катта, — дейди шаҳар партия комитети саноат бўлимининг бошлиғи Геннадий Иванович Муравьев. — Бизда 12 кишидан иборат саноат ва транспорт бўйича штатсиз бўлим ташкил қилинган эди.

Штатсиз бўлим аъзолари орасида инженер-энергетиклар, химиклар, савдо ва йўл қурилиши, транспорт ходимлари бор. Бўлимга кекса партия аъзоси, бир неча йил партия органларида ишлаб келган инженер Виктор Сергеевич Кременчутский раҳбарлик қилмоқда. Бўлим аъзолари транспорт, саноат, савдо, йўл қурилишига боғлиқ бўлган ҳар бир масалани шаҳар партия комитетининг бюро мажлисига тайёрлашга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

— Ростини айтсам, — дейди сўзини давом эттириб Геннадий Иванович, — штатсиз бўлим ташкил этилгандан буён ишимиз анча яхшиланиб кетди. Ҳар бир масалани кўриб чиқишда мутахассисларни, кенг жамоатчиликни жалб этмоқдамиз.

Штатсиз бўлим иши билан танишар экансиз, Геннадий Ивановичнинг сўзлари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бундан бир неча ой илгари Навоий ГРЭСида 4-блок қурилиши жуда суст олиб борилаётган бўлиб, бу муҳим объектни ўз вақтида эксплуатацияга топширмаслик хавфи туғилган эди. Штатсиз бўлим аъзолари 4-блок қурилишига халақит берган сабаблари синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Маълум бўлишича, қурилиш монтажчилар айби билан чўзилган. Шаҳар партия комитети бюро мажлисида штатсиз бўлим аъзоларининг 4-блок қурилишини тезлатишга қаратилган таклифлари кўриб чиқилди ва шу асосда ГРЭСда оператив партия штаби тузилди. Штабга раҳбар қилиб ГРЭС директори ўртоқ Типикин тайинланди. Ҳозир 4-блок қурилиши планли равишда, тез суръат билан олиб борилмоқда. Қурувчилар бу объектни белгиланган вақтда ишга туширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Навоий химия комбинати қурилиши биринчи навбатининг иккинчи этапини тезлатиш чораларини кўриб чиқишда ҳам штатсиз бўлим анча иш қилди. Бу ерда ҳам химия комбинати директорининг ўринбосари, ёш коммунист Ю. Р. Мавлавиев раҳбарлигида оператив штаб тузилди. Штатсиз бўлим шаҳар қурилишларини ҳам ўз оталигига олиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ариза ва шикоятлар бўлими 9 кишидан иборат бўлиб, унга ўттиз йиллик партия стажига эга бўлган Яков Афанасьевич Корнишев раҳбарлик қилади. Бу бўлим меҳнаткашларнинг шаҳар партия комитетига ёзган ариза ва шикоятларини текширадилар. Текшириш натижаларини ташкилот ва корхоналарга маълум қиладилар. Лозим бўлганда ўз таклифларини шаҳар партия комитетининг бюро мажлисига киритадилар.

Мана комиссия ишидан бир мисол: Бундан бир неча ой илгари пармаловчи ўртоқ Ушаков соғлиги ёмонлашгани натижасида бошқа ишга ўтказилган эди. Ў бундан норози бўлиб турли ташкилотларга, область ва республика газета редакцияларига ариза ва шикоятлар ёзиб келган. Комиссия унинг ишини синчиклаб ўрганиб, пармаловчилик ишидан енгил ишга ўтказилганлигини тўғри, деб топди. Бўлим тузилгандан буён меҳнаткашларнинг бирор ариза ёки шикояти натижасиз қолмаётир.

Шаҳар партия комитетида ташкил этилган штатсиз инструкторлар бўлими партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мустаҳкам таянчидир. Штатсиз бўлим аъзолари тез-тез саноат корхоналари ва ташкилотларига бориб, партия, комсомол, касаба союзлари ташкилотларининг ишини яхшилашга, ташкилий ишларни яхши йўлга қўйишга ёрдам бераётирлар.

— Мен, — дейди партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг инструктори Валентин Петрович Матвиенко, — шаҳар партия комитетида ҳали унча кўп ишлаганим йўқ. Тажрибам оз. Штатсиз инструкторлардан жуда кўп нарсаларни ўрганмоқдаман. Ўларнинг кўплари партия ишни бўйича бой тажрибага эга.

Дарҳақиқат, штатсиз бўлимлар шаҳар партия комитетига катта-катта ишларни амалга оширишда таянч бўлмоқда.

А. ФОЗИЛОВ.

Ер тўғрисида бир шингил

САМАРҚАНД. Бу ерда меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари раислари, раис ўринбосарлари ҳамда секретарларининг икки кунлик семинари ўтказилди. Унда меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси А. Хўжаев «Маҳаллий Советлар—давлатнинг тўла ҳуқуқли органлари», область прокурори О. Насруллаев «Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда маҳаллий Советларнинг роли», область партия-давлат контроль комитетининг раиси М. Умеров «Халқ назоратини мустаҳкамлашда қишлоқ ва посёлка Советларининг вазифалари» деган темаларда доклад қилдилар. Шунингдек, семинарда совет қурилишига оид ишлар юзасидан тажрибалар ўртоқлашилди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг мухбири.

* * *

ТОШКЕНТ областидаги «Қибрай» дам олиш уйида меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун яхши шароит яратилган. Энг муҳими, дам олиш уйи коллективи бу ерга келувчилар билан хушмуомалада бўлмоқдалар, қўлларидан келганча яхши хизмат қилиш учун интилмоқдалар. Турли хаваскорлик тўгараклари муттасил ишлаётир. Концерт ва кинофильмлар тез-тез намойиш қилинади. Шунингдек, дам олувчилар учун турли экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Ю. АЛИМОВ.

МАГАЗИН ШУҲРАТИ

МАДАНИЙ САВДО УЧУН

Ўзбекистондаги кўпгина магазин ва ошхоналарда «Сизга коммунистик меҳнат бригадаси хизмат қилади» деган ёзуви бўлган лавҳачаларни кўриш мумкин. Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишловчи олти юз бригада, ўн тўққиз корхона коллективи ана шундай шарафга сазовор бўлди. Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишловчи сотувчи, ошпаз, официант ва бошқа ходимлардан 5535 кишига коммунистик меҳнат зарбдори деган ном берилди.

«Таштекстильшойбувторг»га қарашли хўжалик ҳисобида ишловчи 21-комсомол-ёшлар магазинининг 55 сотувчиси харидорларга хизмат қилишда кўпгина ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бу ерда саккиз савдо секциясидан олтитаси коммунистик секция деган номга сазовор бўлди. Коллектив олдиндан заказ олиш, кредитга сотиш усулида савдо қилиб, харидорларнинг талабини қондириш учун қўлидан келган бутун чораларни кўрмоқда. Бу ерда газламани бичиб бериш столи, кийим-кечакни зарур размерга етказувчи мастер бор. Магазин молларни марказлаштирилмаган тарзда олиб келади. Шу туфайли, шунингдек харидорларнинг талабини пухта ўрганиш туфайли бу ерда энг хилма-хил молларни ҳамиша учратиш мумкин, планлар доимо ошириб бажаримоқда. Магазининг савдо қилиш залидаги махсус корреспондент пункти харидорларнинг талабларини ўрганиш масаласи билан шуғулланмоқда.

Умумий овқатланиш Куйбишев трестига қарашли 7-ошхонанинг коллективи ҳам харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Бу ошхона Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига хизмат қилмоқда. Бу ерда эрталабдан то кечгача ғоят хилма-хил таомлар тайёрланади. Бош ошпаз Нина Николаевна Бирюкованн иш қизғин пайтда ҳамиша ошхонада кўриш мумкин. У, хўрандалар билан суҳбатлашади, маслаҳатлашади, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб олади.

Тошкентда давлат савдоси соҳасида ишлаётган коммунистик меҳнат зарбдорларининг республика слёти бўлиб ўтди. Бу слётда харидорларга жуда яхши хизмат кўрсатиш соҳасида кўпгина бошқа мисоллар келтирилди. Илғор коллективлар орасида Марғилон ва Қўқон шаҳар савдо бўлимлари, Самарқанд шаҳар промторгига қарашли 66-магазин, Тошкент кийим-кечак уйи, Чирчиқдаги трансформатор заводи ва «Таштекстильмаш» заводи ҳузуридаги ошхоналарнинг коллективлари тилга олиб ўтилди.

Докладчи — Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари С. К. Икромов республика аҳолисига савдо хизматини яхшилаш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида ахборот берди. Етти йиллик мобайнида давлат савдосида товар обороти бир ярим баравар ўсди. Шу давр ичида тўрт минг янги магазин, ошхона ҳамда бошқа савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишга туширилди.

Андижон шаҳар пишчеторгига қарашли 42-магазин мудирининг ўринбосари А. Содиқов, «Фарғона» ресторани залининг мудири А. Ўрмонов, «Таштекстильмаш» ошхонасининг бош ошпази Н. Целикова ва коммунистик меҳнатнинг бошқа зарбдорлари харидорларнинг раҳматига ғанчи ва ходимларга сазовор бўлаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Бир қанча савдо корхоналари номига таъналар ҳам айтилди.

Слёт қатнашчилари республика давлат савдоси ва умумий овқатланиш соҳасида ишловчи барча ходимларга мурожаат қилиб, уларни аҳолига хизмат қилиш форма ва методларини тинмай яхшилашга, савдо-сотиқ маданиятини оширишга чақирдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН консерва заводларида шу йилги мева-чева ва сабзавотлардан консерва тайёрлашга киришилди. Тошкент консерва заводининг ўзигина 22 миллион банка консерва тайёрлаб беради. Суратда ана шу корхонанинг илғор ишчиси ўртоқ А. Шарифжонова. У смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажармоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ОҚ ЙЎЛ, ЁШЛАР!

Шаҳар ва қишлоқларимиздаги ўрта мактабларни бу йил жуда кўп йигит-қизлар битириб чиқди. Уларнинг ўз кунлидаги касбни танлашлари колхоз ва совхозларнинг далаларида меҳнат қилишлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириб малака олишлари учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Қарши районида чиқадиган «Коммунизм алангаси» газетаси ана шу навқирон ёшларга бағишлаб бир саҳифа материал берди. Саҳифада ёшларнинг коммунизм қурилиши йўлида эўр матонат билан ўқишни давом эттиришлари, меҳнатда жасорат кўрсатишларига катта муваффақиятлар тилаланади. Айниқса саҳифадаги «Орзулар, қанотланинг» сарлавҳали мақола диққатга сазовордир. Унда «Ёш куч» мактаби битирувчиларининг орзу-истаклари баён этилган.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ— БИРИНЧИ ПЛАНДА

Бухоро областининг Томди рай. онида чиқадиган «Социалистик чорвачилик» газетасида «Партия сафи нега ўсмаяпти?» сарлавҳали танқидий мақола босилиб чиқди. Унда Ленин номидаги колхозда партия сафи жуда суст кашлик билан ўсаётгани, кўпгина партия ташкилоти эса бу муҳим масалани унутиб қўйгани қаттиқ танқид қилинади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳақиқатан ҳам колхозда илғор, коммунист деган юксак номга муносиб кишилар анчагина бор. Бироқ колхоз партия комитети, фермалардаги бошлаги партия ташкилотлари уларни тарбиялаш, партия сафига жалб қилиш устида бош қотирмаётирлар.

САЙЁҲЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ез—саёҳатга соз. Ҳар ким ўзининг меҳнат отпускасини йилнинг мана шу фаслига тўғрилаб олишни илгаридан мўлжеллаб қўяди. Кимлар ажойиб нетироҳатгоҳларга боради, кимлар санаторийларда дам олади, айримлар борки ўлка бўйлаб кезишки, тоғу тошни, шаҳару қишлоқни, дарёю ғойни, қўйнигчи гўзал манзарали зиёратгоҳларга саёҳат қилишни севади.

Яқинда Тошкентдан махсус жиҳозланган тўрт автомашина йўлга чиқди. Кўринишидан узоқ сафарга отланганга ўхшайди улар. Саёҳатчиларнинг юмлардан иборат экانлиги, қандай маршрут бўйлаб жўнаб кетишаётганликлари, саёҳатдан мақсад нима экانлиги билан қизиқдик. Бизнинг юқоридаги саволларимизга сайёҳлар группасининг раҳбари. Тошкент телестудиясининг кинооператори Борис Хўжаев жўнаш олдидан қисқа қилиб қуйидагиларни гапириб берди.

— Биз. машҳур чех сайёҳлари М. Зигмунд ва И. Ганзелкаларнинг кичик издошлари биринчи марта автомашиналарда жўнаб кетяпмиз,— дейди у, — группамиз состави турли касб мутахассисларидан иборат. Улар орасида врач Анвар Умаров, ишчи Маман Абдуманов, иқтисод фанлари кандидати Анатолий Аминов, энергетик Баҳодир Нуъмонов, аспирант Вил Гусейнов, инженер Роберт Киянский, эстрада артисти Владимир Гиленич, овоз оператори Юрий Малисев ва шофер Александр Зеленовлар бор.

Маршрутимиз аниқ. Тошкентдан йўлга чиқиб, Оренбург, Куйбишев, Москва, Киев, Кишинев, Бухарест, София, Одесса, Сочи, Тбилиси, Боку, Ашхобод, Самарқанд шаҳарлари орқали 60 кун давомида 20 минг километр йўл босиб яна Тошкентга қайтамиз. Мақсадимиз Совет Иттифоқи, Руминия, Болгария мамлакатларининг гўзал шаҳарларини томоша қилиш, маданий ҳаёти, одамларининг турмуш шароити билан яқиндан танишиш, шу саёҳат материаллари асосида тўла метражли ҳужжатли телевизион фильм тайёрлашдан иборатдир. Шунингдек, йўл дафтари асосида китоб ёзиш, фотоальбом қилиш ниятимиз ҳам бор.

Оқ йўл сизга, ўзбекистонлик биринчи сайёҳлар.

А. ЮСУПОВ.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

АНДИЖОНЛИК САНЪАТКОРЛАР ТОШКЕНТДА

Андижон... Зумрад пахтазорлар, ширин-шарбат меваларни қўксида ардоқлагувчи боғ-роғлар, хушхон булбуллар, ажойиб талант ва санъат соҳибларига макон бўлган саҳоватли диёр. Сўлим, дилбар оқшомлари, тароватли тунлари шоирлар қалбига ғулғула солган Андижон. Меҳри, ғайрати дарё пахта устасалари, уларга камарбаста санъат, қалам аҳллари бир бўлиб унинг довруғини жаҳонга ёймоқда.

Охунбобоев номли Андижон область музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи 1962 йили Тошкентга гастролга келиб яхшигина муваффақият қозонган эди. Пойтахтимизнинг санъат шинавандалари улар қўйиб берган спектакларни мамнунлик ва завқ билан кутиб олишган эди. Гастрол давомида томошабин ва театр санъати усталари томонидан баҳолирилган дўстона фикр олишувлар, мулоҳазалардан ижодий фойдалана олган театр коллективи ўз репертуаридаги саҳна асарларига маълум даражда сайқал, жилоберишга интилган.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига янгидан саҳналаштирилган «Бургутнинг парвози» (Иззат Султон асари), «Ўжар қизнинг бўйсундирилиши» (В. Шекспир асари), «Кимга тўй, кимга аза» (Н. Сафаров асари), «Жон қизлар» (Қ. Бойсеитов ва Қ. Шонгитбоевлар) каби асарлар сўнгги йилларда томошабиларга тақдим этилди. Театр ижодий коллективи сафига бадиий ҳаваскорлик тўгараклари тарбиялаб етиштирган Ўринбой Нуралиев, Маҳмуд Қодиров, Мадкарим Болтабоев, Маърифат Убайдуллаева, Ширинхон Мансурова каби истеъдодли ёш талантлар келиб қўшилди.

Актёрлар билан пьеса авторлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилди.

Андижонлик санъаткорлар куни кеча Тошкентда яна ўз гастролларини бошладилар.

Севимли драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа» («Холисхон») асарини ҳаммамиз ўқиганмиз. Драматург К. Яшин таҳрири остида саҳналаштирилган «Холисхон» спектаклини неча бор томоша қилганмиз. Лекин бу асар ҳар гал томошабин қалбини ларзага солаверади. «Холисхон» айниқса андижонлик санъат усталари талқинида ўзгача таъсир кучига эгадир.

... Томошабиннинг нигоҳи саҳнага қадалган. Кўҳна қабристон. Бировлар марҳумлар руҳини шод этиш учун чироқ ёққани, бировлар қабиҳ ишларига режа тузгани, яна баъзилар эса пинҳон севги, туткун юрак изтиробларини бир-бирларига сўзлагани висолни кўзлаб келади бу ерга.

Эскиликнинг мудҳиш анъаналари ҳали ҳукмрон бўлган у даврда савдогар қизи Холисхон билан қўл учида кун кўрувчи камбағал косиб Рустамнинг эркин севгиси ҳақида сўз бўлиши мумкинмиди? Севги сирларининг ошкор бўлиб қолиши — бадномликдан чўчиб, юрак тўлқинларини қўрқинчга, ҳаяжонларга ёширган Холисхоннинг кечинмаларини республикада хизмат кўрсатган артистка Азиза Аминова артист бўлиб эмас, жафокор қиз бўлиб, ёниб-жўшиб томошабинга етказади.

Азизахон бу роли билан Андижон томошабиларинигина эмас, тошкентликларни ҳам мафтун қила олди. Мана, қопқора тун. Рустамбек билан Холисхоннинг ўша висол макони — қабристон қора шарпалар қўлида қонга беланган Рустамбек билан Холисхоннинг видолашуви... Бахтсиз қизнинг фарёду ноналари юракларни ўртайди.

Артист учун томошабин юрагини забт этишдан ҳам юксакроқ бахт борми? Азиза Аминова ана шу ноёб бахтга тинимсиз изланишлари туфайли эришолди. Холисхон эндиликда артисткаларнинг ижодини безагувчи, томошабин қалбида узоқ сақланиб қолувчи етук бир образ бўлиб қолди. Артистка, қисматига ўтмиш кора соялар ташлаган Холисхоннинг иффатли, пок севгисини, исёнкор, жасур қалбининг туғёнларини, изтиробларини ўзида мужассамлантира олган.

Ёш, талантли артист Аъзамжон Холбоев ижросидаги Рустамбек ҳам муваффақиятли чиққан. Камбағал бўлса ҳам пок севги туфайли юраги, орзулари тоғдай юксакликларга кўтарилган мард, вафодор йигитнинг бой руҳий кечинмаларини артист ўзлаштириб олиб, ифодали, жонли ҳаракатлари, сўзлари орқали томошабинга етказишга уринади. Унинг сиймосида қаҳшоқлиги, қўли калталиги туфайли ёш умри, йигитлик шаъни ярамас иллатлар довулида ҳазон бўлган ўнлаб косиб йигитларнинг ҳаётий образи гавдаланади.

Ўша даврда неча ўнлаб Холисхонларнинг бахтига завол бўлган, аёллик назокатини пул учун қурбон қилган сатанг Мастура образи артистка Шарофатхон Аҳмедова талқинида жонли, ҳаяжонли чиққан. У инсоний пок ҳис-туйғуларини ўз айшу-ишратлари йўлида қурбон қилган бойваччаларнинг ихтиёрсиз малайи, бахтсиз яллачиларнинг бошлиги, аёллик эзбу-зийнаталридан маҳрум жаҳонгашта. Артистка сатанг аёлнинг барча кирдикорларини усталик билан очиб ташлайди, томошабин дилида ярамас, тубан, қора ниятли кишиларга нисбатан нафрат уйғота олади.

Асарни Ўзбекистон ССР халқ артисти Аббос Бакиров саҳнага қўйган. Бу гал «Холисхон» режиссёрнинг ижодий изланиши натижасида яна ҳам сайқал топибди. Асарнинг асосий ғоясини очишга хизмат қилувчи Самарқанд картинасининг киритилиши ва айрим картиналарнинг қисқартирилиши мақсадга мувофиқ бўлган.

Композитор Х. Тўхтасинов асар ғояси, қаҳрамонлар руҳига мос музикалар басталаган.

Андижонликлар «Холисхон»дан ташқари яна 7 спектакль ва катта программада концерт ҳам кўрсатадилар.

Театр ижодий коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига атаб яна қатор янги асарларни саҳнага қўйиш ниятида.

— Биз Тошкент томошабилари ҳузурига севинч ва ҳаяжон билан келдик, — дейди театр директори С. Раҳимов, — ўткир дидли, талабчан томошабиларнинг ижодимиз ҳақидаги самимий фикрларини билиш, маслаҳатларини олиш иштиёқидамиз.

Андижон область музикали драма ва комедия театри артистлари Тошкентда бир неча кун давомида бўлиб, ишчилар, пахтакорлар ва зиёлилар билан учрашадилар.

Хуш келибсиз, андижонлик санъаткорлар!

Эътибор ОХУНОВА.

СУРАТДА: «Холисхон» музикали драмасидан кўриниш. Холисхон ролида УзССРда хизмат кўрсатган артистка Азиза Аминова, Рустам ролида артист Аъзамжон Холбоев.

ҚИШЛОҚДАН ХАТ

«Салом, қадрли дўстим! Мана, мен ўз ваъдамга вафо қилдим: қишлоққа ишга келдим. Эзнинг шундай жазирама кунларида қишлоқдан сўлим ва салқин жой бўлмаса керак. Сен Чиноз посёлкасини автобусда ўтиб кетаётиб йўл-йўлакай кўргансан, албатта. Ариқ бўйларидаги чойхоналарда ғир-ғир шабада эсиб туради. Качон хохласанг яхна чой тайёр.

Бу ерда шинамгина бозорча бор экан. Истаган нарсангни топасан. Поладай тобланган помидорлар, чиллакилар, ҳиди узоқдан димоққа уриладиган ҳандалак, хилма-хил сершарбат ўрик-олмалар... Банд берган қовунлар... Барака топ, деҳқон!

Посёлканинг ўзида колхозчилар истиқомат қилишади. Сен ўша эски гапларингни кўй. Сен айтган даврлар ўтиб кетган. Ҳозир ҳар тўрт уйдан бирининг томида телевизор антеннаси кўриниб турибди. Шаҳардан нимаси кам!

Посёлкадан чиқишинг билан пахтазорга етасан. Карл Маркс номли колхоз, айтишларига қараганда, бақувват ва бадавлат хўжалик. Ишонмасанг Кароматилла акадан сўра. Кароматилла Исматуллаев колхознинг бош бухгалтери эканлар. Колхоз гўшт сотиш ярим йиллик планини 135 процент, сут планини 112 процент бажарибди. Тухум сотиш йиллик планини ярим йилдаёқ ўринлатиб қўйибди. Чорва молларни кўпайтириш соҳасида ҳам ишлар йўрик. Корамоллар пландагидан салкам юз бош, қўй-эчкилар 67 бош кўп. Паррандачилик фермасида товуқлар пландагидан 680 та кўп экан. Мол кўпайса, гўшт, сут кўп бўлади деганлари шу экан-да, биродар.

Лекин, дўстим, асосий бойлик— пахта. Шунинг учун катта-ю, кичик—ҳамманинг фикр-ёди пахтада. Чинозликларнинг бирортасиникига меҳмон келса, саломаликдан кейин пахтадан гап очади. «Бу йил пахта яхшими? Ғўзага ҳашарот тушгани йўқми?» — деб сўрайди.

Шу ерда ишлайдиган бўлсам, колхозни, одамларни яхшироқ билиб олишим керак-да. Эртага далага чиқмоқчиман. Ўзингга маълум, биз пахтазорни терим вақтида кўрардик, холос.

* * *

Эрталабданоқ кун қизий бошлади. Майда-чуйда ишларни битиргунимча қуёш тиккага келиб қолибди. Далага йўл олдим. Дам. Дарахтларнинг учи қимирламайди. Ариқ бўйидаги қоратол соясида болалар ўйнаб юришибди. Пахта меҳри бу ердагиларга ёшликдан сингиб кетишини сездим. Болаларнинг ўйинига қараб, салқинда дам олиб ўтирган эдим. Улардан бири тўсатдан:

— Сув камайяпти! — деб қолди.

— Қуриб қолмасмикин?!

Болаларнинг бу ташвиши сабабини кейин англадим.

— Шу сувни акам тутяпти. Бориб айтаман, суви камайяпти, — деди қорачадан келган бола далага қараб югураркан. Ҳа, дўстим, болалар ҳам қараб туришмайди бу ерда!

Узоқда, ғўза орасида кишилар кўринди. Уватма-уват кетяпман-у, бутун баданимдан тер қуйилиб оқади, иссиқда эриб кетдимми дейман. Шундай пайтда пайкалдан чиқмаган пахтакорларга минг раҳмат айтгинг келади. Бу еттинчи бригада аъзолари экан. Иш устида гаплашдик. Бригада 163 гектар ерда пахта етиштиряпти. 120 аъзодан 11 киши сувчи, 4 киши механизатор. Катта пайкалда олтмишга яқин киши ишлаяпти.

— Бригадир қаерда?

— Ҳув тол тагида.

Ариқ бўйидаги катта тол тагида тахта сўри. Бу — бригаданинг дала шийпони. Яхна чой ичиб, елпиниб ўтирган киши билан саломлашдим. Танишиб олдик. Бригадир Абдурахмон Маҳмудов анча тажрибали киши экан. Ғўзани суғориш қийинлиги, сув бултургидан камлиги ҳақида куйиб-пишиб гапирди.

Узинг биласан, ҳозир пишиқчилик, тўкин-сочин пайт. Далада эса ҳечвақо йўқ. Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Колхозчиларга мева-чева келтириб бериладими?— деб сўрадим бригадирдан.

— Уйида борлари ўзлари олиб келишади.

— Йўқлари-чи?

— Ҳаммасида қам бор.

— Далада иссиқ овқат пиширилядими?

Бригадир «ҳа» деди-ю, қурук ўчоққа қараб қўйди. Қозон ўчоқнинг ёнида тўнкарилиқ ётарди. Абдурахмон ака шубҳаланганимни сездими:

— Бугун овқат пиширганимиз йўқ, — деди. Кейин тушунтириб берди.—Далада иссиқ овқат тайёрлаш гап ейишга ўхшаб кетар экан. Бугун беш киши уйидан 120 кишига етадиган масаллиқ келтириб, овқат тайёрласа эртага бошқа беш кишининг навбати келар экан.

— Колхоз озиқ-овқат бермайдими?

— Беради. Аммо унда ведомость тузиш керак бўлади. Ҳарҳашаси кўпроқ...

Сирасини айтсам, дўстим саволга тутганим сари Абдурахмон аканинг нечундир авзойи бузилаверди. Бригадада тўртта звено бор экан. Ҳаммасида ер, ишчи кучи етарли. Аммо ҳамма звеноларнинг бир жойда ишлаяпти. Бунинг оқибатини қайтишда ўз кўзим билан кўрдим.

8 гектарча келадиган картада узоқдан қараганимда 5-6 киши ишлаб юргандек эди. Яқинроқ келиб қарасам, болалар ғўза ичидан печак юлиб юрган экан. Ўтни копларга жойлаб олиб кетишди. Лекин бўйи ғўзадан баланд ғумай ва ажриқни қириб ташлайдиган азамат йўқ. Ҳар бир звено ўз ерида ишласа Ғафуржон Болтабоев ғўзани шунчалик ўтга бостириб қарай турармиди? Сирасини айтганда бир марта культивация қилиб ташлаб қўйишганга ўхшайди. Нега десанг ҳар бир уяда 18-20 туп ғўза бор. Мен деҳқон эмасман, лекин июль ойида ягана қилинмаган ғўзада пахта бўлармикин?

Ҳаммасидан ҳам ранжиганим кунни оқшомга, тунни субҳидамга улаб меҳнат қилаётган кишиларга ғамхўрликнинг йўқлиги бўлди. Бу шунчаки бир бепарволиқдир, деб ҳаёлингга келтирма. Колхоз раҳбарлари (раиси Х. Салимов, партия ташкилотининг секретари А. Бобоева ўртоқлар) пахтакорларга ғамхўрликни йил бошиданоқ унутиб қўйишган. Нега десанг колхозчилар тўғрисида, уларнинг маишати ҳақида ўйлаган раҳбар ҳеч бўлмаса 3-4 гектар ерга бодринг, ҳандалак, 5-6 гектар ерга қовун-тарвуз экиб қўярди. Тепадан қўёш қуйдириб турганда чанқоқни бостириш учун бодринг ёки бўлмаса бир тилим ҳандалакка нима етсин! Бу колхозда эса 12 гектар ўрнига 1,5 гектар ерга картошка экилибди. Бор-йўғи 2,5 гектар ерга сабзавот экилган. Давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш планини бажариш учун колхоз гектаридан 840 центнердан ҳосил олиши керак. Сен ажабланма. Сабзавот экишни планлаштирганларида ана шундай рекорд ҳосил олишни кўзлаган бўлсалар керак. Аммо ҳозирча колхозчилар далада на сабзавотни кўришади, на мева-чевани.

Бригадаларда оммавий-сиёсий ишлар тўғрисида шуни айтиб қўяқолай: колхоз идораси олдида ўтган йилги шиорлар осиғлиқ турибди. Қолганини ўзинг билиб олавер. Ҳозирча хайр, биродар.

Дўстинг ҒОЙИБЖОН».

Янгийўл районидаги К. Маркс номли колхозга балки ўқитувчи бормагандир, балки у дўстига хат ҳам ёзмагандир. Лекин колхозда шу долзарб кунларда мўл ҳосилни кўзлаб, ҳар қандай қийинчиликларни енгаётган, эўр шижоат билан меҳнат қилаётган пахтакорларга ғамхўрлик, чинакам меҳрибонлик йўқлиги аниқ ва равшандир.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
Ҳ. ТОЖИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Хатлардан сатрлар

СУРХОНДАРЁ. Бердах номидаги Қорақалпоғистон эстрада театрининг бир группа солистлари Шеробод чўлларини ўзлаштираётган комсомолободлик чўлқуварлар ҳузурида бўлиб концерт қўйиб берди.

М. Турсунов.

ҚЎҚОН. Шаҳардаги 20-автобаза коллективи ярим йиллик юк ташиш планини 150 процент қилиб адо этган эди. Коллектив аъзолари июль ойи юк ташиш планини 160 процент қилиб бажариш учун курашмоқда. Коллектив муваффақиятига муносиб ҳисса қўшган Усмонжон Тўронов, Мелиқўзи Йўлдошев каби шоферлар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Р. Раҳмонов.

ТОШКЕНТ. Чилонзор массивидаги 6-«б» секторида сабзавот ва мевалар сотадиган янги магазин очилди.

Х. Содиқов.

ОБИҲАЁТ ЭЛТУВЧИ

Ғўзалар «сув» дегандек беҳол силкинади. Тасмадек тизилиб ётган эгатлардан ҳовур кўтарилмоқда.

— Бугун бу картага сув олиш керак. Эртага қолса ғўза ўзини олдириб қўяди, — ҳаёлидан ўтказди Саъдулла Ҳусанов. Сўнг эгат бошидаги чимларни тўғрилади. Культивация вақтида қўшилиб колган эгат бошларини очди. Пайкални сув тарашга тайёрлаб, уйига йўл олди.

Малика опа эрини кутар эди. Эру хотин ўтириб овқатланишди, чой ичишди. Сўнг Саъдулла яна далага отланди. У тун бўйи мижжа қоқмай ишлаши, тонг отгунча ғўза суғориши керак. Зотан ҳозирги паллада экинни айниқса кечаси суғоришдан ҳам масъулиятлироқ иш йўқ.

Саъдулла буни яхши билади. У оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган хилидан эмас. Бунинг устига ғўзани кечаси суғориш соҳасида катта тажрибага эга. Чунки у бу касбни бир йил эмас, икки йил эмас, балки ўн йилдан буён қилиб келмоқда. Шу туфайли ҳар йилгидек бу йил ҳам бригадада ғўзани тунда суғориш бошқа тажрибали сувчилар қатори Саъдуллага топширилди.

Сокин тун. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат кўкдаги ой ва юлдузлар-у, пахтазордаги сувчилар уйғоқ. Даланинг ҳар ер-ҳар ерида чироқ милтиллайди. Саъдулла қўлидаги фонарини дам боши ўзига кўтариб, дам қуйи тушириб пайкал оралаб юрибди. Сувнинг равон оқишини, тупроқ бир текисланишини кузатяпти.

У бир ёздан кейин карта четига чиқди. Катта арикдаги сувга разм солди. У озаймаган. Аммо пайкалга кириб бораётган сув назарида озайгандек кўринарди. Шу туфайли ўқариқ ёқалаб юрди. Қараса оқиб келаётган чўп-хаслар унинг ўртасига ўюлиб, сувнинг оқимини секинлаштириб қўйибди. Энкайиб ўтириб сув йўлини очди, қўлини ювиб ўрнидантурди ва яна пайкал оралаб кетди. Саъдулла шу аснода тонг оттирди, кунинг ботишини далада кузатгандек, тонгни ҳам далада қаршилади. Тун давомида бир гектардан ортиқ ердаги ғўзани сувга сероб этди.

Эрталаб бригада аъзолари кеча кечқурун иссиқдан лоҳас бўлиб, сўлиқираб турган ғўзалар сувдан бахра олиб, яшнаганини кўриб, ич-ичидан қувонишди, миришкор сувчи Саъдуллага раҳмат айтишди. Улар фақат Саъдуллага эмас, балки тонгни пахтазорда у билан бирга қарши олган Тойир Каримов, Эргаш Султонов, Комил Раҳимовларга ҳам миннатдорчилик билдиришди.

Ҳа, Саъдулла ва унинг ҳамкасблари, Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг Розиқ Худойбердиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари гектаридан 30 центнер «оқ олтин» етиштириш учун олиб бораётган курашга ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан катта ҳисса қўшмоқдалар.

П. НИШОНОВ.

ТОНГНИ ҚАРШИЛАБ

Ботаётган қуёш гардиши сўнгги бор қовуллаб кўринди-да, ғойиб бўлди. Далага қоронғилик чўка бошлади. Бригада аъзолари шинамгина безатилган шийпон олдига тўпланишди. Йўлдош Сангиров бошлиқ бригаданинг ўн олти аъзоси шу ерда. Уларнинг чеҳрасида сал ҳорғинлик сезилса ҳам қилган ишларидан мамнунлиги кўриниб турибди. Ҳаммалари агрономнинг сўзларига диққат билан қулоқ солишяпти.

— Ишларингиз чакки эмас, — дерди агроном. — 105 гектар ерингизнинг ҳаммасида ғўза гуркираб шоналади, гуллади. Ғўза парваришида колхозда, ҳатто районда ҳам олдинда борясиз. Лекин, ишнинг оғири эндиди бошланяпти. Бригадангиздаги айрим карталарга кўк қурт тушган. Бунга бепарво қарасак, мўл ҳосил ололмаслигимизни ўзларингиз яхши биласиз. Шунинг учун бутун кучимизни ҳашаротни қиришга қаратайлик.

Шийпонда «тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди. Колхозчилар фурсатни бой бермай, шу кечадаёқ иш бошладилар. Чунки, тун шабнамида ҳашаротга қарши сепиладиган дорилар ғўза барларигача тез ёпишади. Механизаторлар — Ҳолйигит Ҳамроқулов, Кенжа Исҳоқовлар тракторларга миниб, чанглагич-пуркагич аппаратларни ишга солдилар. Бригаданинг Ойсулув Алимова, Ҳайитгул Жабборова, Жумагул Ражабова сингари чеварлари қўл аппаратларида дори сепа бошладилар, Дуст, ДДТ, гексахлоран аралашмалари солинган чанглагич - пуркагич лар қуртга қарши «ҳужум»га ўтди.

— Қуртга қарши курашда фақат дори билан чекланмаймиз,— дейди бригадир Йўлдош Сангиров. — Ай ни чоғда ерни қондириб суғориш керак. Чунки яхшилаб суғорганда хашарот жонсизланади.

Бригада сувчилари Ашур Маҳаммадиев, Ўроз Қорабоев, Ўринбой Ўнголовлар туни билан ғўзаларни обитобида суғоришяпти.

...Бригада бошлиги бир лаҳза нафасини ростлаш учун сершоҳ тут соясига ўтирди. Серавж ғўзаларга тикилиб, мамнун жилмайди. Ўтган йилларда ҳам ҳашарот билан олишганлигини эслади.

Йўлдош Сангиров бундан икки йил муқаддам Гулистон районидаги «Қизил Шарқ» колхозининг ери шўр, тошлоқ 7-бригадасига бошлиқ қилиб сайланди. Дастлабки йили бригада ерлари яхши ишлангани учун ҳашарот зарар келтиролмади. Ҳар гектардан 28 центнердан «оқ олтин» ундириб олинди. Ўтган йили эса ҳали ғўзалар авж олмаёқ кўк қурт тушди. Шунинг учун кўчат зиҳфлашиб қолди. Шунда ҳам бригада аъзолари ғайрат қилиб, ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил кўтардилар ва планни муддатидан илгари 110 процентга етказиб бажардилар.

Мана, ҳозир бригада аъзолари тунда ширин уйқудан кечиб, ҳосил гамида дори сепишяпти. Кўкда тўлин ой уларнинг ишларини кузатиб турибди.

— Қани, Холйигит, сен бирпас дам олгин, — дейди Йўлдош тракторчига қараб. — Қолганини ўзим сепиб қўяман...

Бригада даласида оппоқ тонг отди. Энди ҳашаротга қарши, ғўзалар узра самолёт парвоз бошлади. У ҳосил ғамида гувилларди.

М. МАҲМУДОВ,
А. МАДУМАРОВ.

МЕЛИОРАТОРЛАР ТЕХНИКУМИ

Андижонда гидромелиорация техникуми очилди. Ленин районининг Марҳамат зонасида жойлашган бу техникум қишлоқ хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлайди.

Техникум учун кўркам биноларг ажратилди. Унинг қошида тажриба станцияси бор. Техникумни битириб чиққанлар колхоз ва совхозларда гидротехник, турли ташкилот ва муассасаларда лойиҳачи—техник, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, заводларда лаборант бўлиб ишлайдилар.

Бу йил техникумнинг икки факультетига студентлар қабул қилинади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СИРДАРЁ районидаги «Правда» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Т. Мамонов бошлиқ бригадаси аъзолари юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. 4-комплекс парваришдан чиқарилаётган ғўзалар серавж бўлиб ривожланмоқда. Суратда: Ўртоқ Т. Мамонов ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЧОРВАМИЗ—БОЙЛИГИМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг энг муҳим соҳаларидан бири чорвачиликни янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII (май) пленумида ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI чақириқ V сессиясида ҳам кенг муҳокама қилиниб, КПСС Марказий Комитети 1965 йилги март Пленуми қарорлари асосида чорва молларининг сонини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари белгиланди.

Жамоат чорвачилигини янада тараққий эттириш учун қорамолларнинг ўғирланишига ва айрим чорвадорларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарашларига, чорва молларнинг нобуд бўлишига қарши курашда республикамиз суд органлари ходимлари олдида муҳим вазифалар турибди.

Суд органлари тажрибаларини анализ қилганимизда, баъзан жиноятчилар молларни жамоат подасидан қонунсиз олиб, шахсий мулкига айлантирганлари, баъзан эса жиноят изини яшириш мақсадида ҳар хил ниқоблардан фойдаланганлари маълум бўлди. Бунда молларнинг етишмаганлигига сабаб қилиб «йиртқич ҳайвонлар еб кетди», «табиий офат натижасида нобуд бўлди» деган баҳоналар кўрсатилади. Жиноятчилар совлиқлар икки-учта туққанларида қўзиларнинг сонини кам қилиб кўрсатадилар, баъзан эса «ўлик туғилди» деб сохта маълумот берадилар.

Бундай сохта ҳужжатлар кўпинча ветеринария ходимларининг иштирокисиз расмийлаштирилади. Масалан, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози фермасида аввал ҳисобчи, сўнг ферма мудири бўлиб ишлаган Илубоев, Нуртжонов ва ферма бухгалтери Абдиев ҳамда ревизия комиссиясининг раиси Араповлар ўзаро тил бириктириб уч йил мобайнида 146 бош қўй, 7 та от, 5 та эчкини йўқ қилиб юборганлар. Улар ўзларининг жиноий ишларини турли сохта ҳужжатлар билан яширганлар. Жиноятчилар фош қилиниб, тегишли жазо олдилар.

Бундай катта жиноят колхозда хисоб-китоб ва контролнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли содир бўлди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ферма мудири Кан, чўпонлардан Ҳулойбердиев ва Бойназаровлар ўзаро келишиб 114 бош қўйни талон-торож қилишган. Бунга ҳам ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилмагани сабаб бўлган. Чорвачиликда, шу жумладан, колхоз ва совхоз фермаларида ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилиши чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва моллар тўғини оширишда муҳим воситадир. Ҳисоб-китобдаги пала-партишлик, тартибсизлик ҳамда ҳисоб-китобнинг белгиланган формаларига риоя қилмаслик ҳоллари чорвачилик соҳасидаги кўплаб жиноятларнинг содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ферма мудирлари, бригадирлар, чўпонлар, ветеринария ҳамда бошқа ходимларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарашлари ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Тошкент область Бўка районидаги Ленин номли колхоз чўчқачилик фермасининг бригадири Гаевец касал молларни ўз вақтида ветеринария врачига қаратмаганлиги натижасида 1963 — 1964 йилларда фермадаги 255 чўчқа нобуд бўлган.

Чорва молларини сақлаш ишида ветеринария ходимлари устига катта масъулият юкланган. Суд органлари тажрибаси айрим ветеринария ходимлари ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, молларни талон-торож қилувчилар билан тил бириктириб, уларга турли сохта справка ва актлар бераётгани, натижада колхоз ва совхозларга катта зарар етаётганини кўрсатди. Ўрта Чирчиқ районидаги 2-совхознинг бош ветеринария врачи Кашпованинг бепарволиги натижасида 1964 йилда 272 бош йирик шохли қорамол касалга чалинди. Бу эса колхозга 27050 сўм зарар келтирди.

Республика суд органлари чорва молларни талон-торож қилувчиларга, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қаровчи кишиларга қарши актив кураш олиб бормоқда. Лекин шу билан бирга суд органлари мазкур категориядаги жиноий ишларни кўриб чиқишда ҳали жиддий камчиликларга ҳам йўл қўймоқдалар. Айрим халқ судлари суд процессини тўғри ташкил этишда жамоатчилик вакилларининг катта ролига етарли аҳамият бермаётирлар. Шунингдек, жиноят солир бўлишига олиб келадиган ҳисоб-китоб ишидаги хўжасизлик фактларига бефарқ қарамоқдалар. Тегишли ташкилотлар ишидаги камчиликларни тугатиш, ҳамда жиноятнинг олдини олиш учун тушунтириш ишлари олиб бормайдилар, ўз қарорининг ижроси учун изчил курашмайдилар.

Республика суд органлари чорва молларнинг ўғирланиши каби жиноятга қарши кураш тўғрисидаги қонун талабларини тинмай амалга оширишлари ва бу соҳадаги жиноятнинг олдини олиш учун курашда кенг жамоатчиликка маҳкам таянишлари лозим.

С. ПЎЛАТХУЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий суди раёсининг биринчи ўринбосари.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

БУХГАЛТЕР МАҚОЛЛАР ТЎПЛАМОҚДА

Бокулик Абулқосим Гусейнзода ярим асрдан кўпроқ вақт давомида тўплаган 20 мингдан ортиқ озарбайжон мақол ва маталлари «Азернешр» республика нашриёти яқиндагина босмадан чиқарган «Халқ донолиги» деган янги китобга киритилди. Бухгалтер Гусейнзода — ҳаваскор фольклорчидир. У Озарбайжон филологияси, этнографияси ва тарихи соҳасида жуда катта билимга эгадир.

А. Гусейнзода ёш пайтиданоқ ўз коллекциясини тўплай бошлади. У, жонажон республиканинг юзлаб қишлоқларини кезиб чиқди оқсоқоллар билан суҳбатлашди. Коллекциячи кўпгина нодир мақол ва маталларни қадимий қўлёзмалардан ва Озарбайжон классикларининг асарларидан қидириб топди. Абулқосим Гусейнзоданинг афоризмларидан ташқари яна 11 та китоби бор. Бу китобларга фольклор асосида яратилган жуда кўп ҳикоялар ҳам киритилган. (ТАСС).

ЁШ ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИ

Тошкент шаҳар ишчи-мух. бирлар университетини яқинда 101 киши тамомлаб чиқди. Битирувчиларга диплом ва гувоҳномалар топширилди.

Э. ТУЛАГАНОВ,

ЧЎПОН «ЎЛЖА»СИ

Туш пайти, Арчазорда пайдо бўлган оч бўрини кўриб, қўйлар, эчкилар ҳар томонга тарқаб кетди, Чоршанба аканинг асаби бузилди. Милтиқни ўқлаб, арчазорга қараб йўл олди. Арча дарахтининг остидаги катта ғорда тўртта бўри боласи бир-бири билан олишяпти. Чоршанба ака чопони билан ғорнинг оғзини бекитди. Чўпон дарахт тагида бекиниб, йўл пойлади. Икки боласи билан она бўри ҳам келиб қолди. У одам шарпасини сезиб, орқасига қоча бошлади, болалари эса ҳарсанг тош орқасига бекинишди. Отилган ўқдан она бўри ер тишлади. Чоршанба ака икки бўричани тириклайин тутиб олиб ғорга келдида қолган тўрт бўри боласини ушлаб олди.

Шеробод район «Бойсун» совхозининг моҳир чўпони Чоршанба ака Бобоқулов катта «ўлжа» билан қайтди.

И. НОРБОЕВ.

ҲОДИСА

КУТИЛМАГАН «МЕҲМОН»

Яқинда Ярославль шаҳрида қизиқ воқе рўй берди. Шаҳар аҳолиси Волга дарёси қирғоғи томон сузиб келаётган бўгинни кўриб ҳайрон бўлиб қолишди. Бўги қирғоққа чиқиб, бир оз дам олдида, кейин шаҳар томон йўл олди. Ўрмондан келган бу «меҳмон» марказий кўчалардан ўтиб борар экан автомашина, трамвай ва троллейбусларга йўл бериб тўхтаб турар, йўловчиларга халақит бермасди. Бўги ҳеч кимга ҳужум қилмади, аксинча одамларнинг қўлидан нон, печенье ва бошқа нарсаларни олиб ер ва раҳмат айтмоқчи бўлгандай уларга тикилиб қараб қўярди.

Бу «саёҳатчи» ўша куни шаҳарнинг кўп жойларини кезиб чиққач, кечга яқин Москва вокзали ёнига келиб дам олиш учун тўхтади.

Кишилар бўги шаҳар атрофидаги ўрмонлардан адашиб келиб қолган бўлса керак, деб айтмоқдалар.

Қ. АҲМЕРОВ.

Қардош Қозоғистон республикасида бунёд этилган Чордара сув омборига 620 миллион кубометр оби-ҳаёт йиғилди. Сув омбори ёнида гидроэлектростанция корпуси ҳам қад кўтармоқда. Иккинчи турбина монтаж қилинмоқда. Чордара сувидан Мирзачўлдаги хўжаликлар ҳам баҳраманд бўлади. Суратда: подстанция монтаж қилинмоқда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ЖАЗОИР МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ НИШОНЛАМОҚДА

ЖАЗОИР, 5 июль. (ТАСС). Бугун Жазоир мустақиллик эълон қилинган кунининг уч йиллигини нишонламоқда. Эрталаб ватан мустақиллиги учун олиб борилган урушда ҳалок бўлган қурашчиларнинг хотирасига бағишлаб Алална қабристонида тантанали маросим ўтказилди.

Туш пайтида Жазоир портида тўпладан бир йўла 101 марта ўқ узиб салют берилди. Кемалар ва сиреналарнинг сигналлари эшитилди. Шаҳарда транспорт ҳаракати тўхатиб турилди.

ЖАЗОИР РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИ РАИСИНИНГ НУТҚИ

ЖАЗОИР, 5 июль. (ТАСС). Жазоир мустақил деб эълон қилинган кунининг уч йиллиги муносабати билан бугун полковник Хуари Бумиддин Жазоир Республикаси революцион кенгаши комидан радио ва телевидение орқали нутқ сўзлади.

Бумиддин ўз нутқини асосан Жазоирнинг ички ҳаётига, шунингдек ҳукуматнинг ташқи сиёсатига бағишлади. У бундай деди: Жазоир Республикаси миллий суверенитетни ўзаро ҳурматлаш асосида барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат стабил сиёсатни ўтказиш ниятидадир.

Бумиддин мамлакатнинг ички проблемаларига тўхталиб, Миллий озодлик фронти партияси мамлакатни идора қилишда бундан буён ҳам асосий роль ўйнай беради, деб таъкидлайди. Бумиддин яқин келажакда шу партиянинг съезди ўтказилади, дедию, лекин съезд қачон бўлишини айтмади. У, Жазоир революцион кенгашининг асосий вазифаси самарали тарзда ишлайдиган маъмурият барпо этиш, порахўрликка қарши курашиш ва мамлакат экономикасини кўтаришдан иборатдир, деб уқтирди.

Полковник Бумиддин ўз нутқининг талайгина қисмини мамлакатнинг собиқ президенти Бен Белланинг фаолиятни танқид қилишга бағишлади.

Бумиддиннинг нутқи тамом бўлиши биланоқ 26 кишидан иборат революцион кенгашнинг состави радио ва телевидение орқали эълон қилинди. Хуари Бумиддиннинг номи Жазоир Республикаси революцион кенгашининг раиси сифатида тилга олинди.

Совет — Индонезия ҳамкорлиги

ЖАКАРТА, 5 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Индонезия Республикаси нефть саноати министрлиги билан Бутуниттифоқ «машинаэкспорт» бирлашмаси ўртасида тузилган шартнома имзоланди. Бу шартномага мувофиқ, Совет томони Индонезиянинг нефть саноати учун замонавий нефть машина-ускуналарини кўп миқдорда етказиб беради. Совет Иттифоқи Индонезияга нефтчи мутахассисларнинг бир группасини юборади. Индонезия инженерлари ва техникларининг катта бир группаси СССРда ишлаб чиқариш практикасидан ўтади.

Индонезия нефть ва табиий газ ишлари давлат министри Дилтор Сутово ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: «Биз Совет Иттифоқи билан дўстона алоқаларимиз ривожланиб бораётганлигидан мамнунмиз. Бу алоқалар Индонезия Республикасининг миллий тараққиётига ёрдам беради. Совет Иттифоқининг нефть машина-ускуналарини етказиб бериши тўғрисида биринчи марта имзоланган шартнома Индонезия—Совет иқтисодий алоқаларида катта воқеадир. Биз совет дўстларимизга минтақдорчилик изҳор қиламиз ва бизнинг ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб боради, деб умид қиламиз».

ҲАРБИЙ ХУНТАНИНГ ВАҲШИЙЛИКЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 июль. (ТАСС). Киши ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи Америка мамлакатлараро комиссия Доминикана Республикаси ҳарбий хунтаси доминиканаликларни ўлдирялти, деб хунтага қўйилган айбларни текширмоқда. Комиссия 18 кишининг жасадини топди. АП агентлигининг хабар беришича, комиссиянинг вакили Даниэль Швейцер шошилинч равишда кўмилган бу жасадлар Санто-Доминго яқинидаги фермада топилганлигини айтган.

Комиссиянинг иш якунлари АҚШ сахийлик билан қўллаб-қувватлаётган генерал Имберт ҳарбий хунтаси полковник Каманьонинг конституцион ҳукуматини қўллаб-қувватлаётган Доминикана халқини қонли террор ёрдами билан чўчитишга уринаётганлигини яна бир марта тасдиқлайди.

Ҳарбий хунта шу мақсадда мамлакатнинг ҳамма қисмида одамларни кўплаб қамоққа олмоқда.

Комиссиянинг раиси Мануэль Бианчи ҳарбий хунтанинг турмалари маҳбуслар билан тўлганлигини айтди.

ХАТАРЛИ ҲАРАКАТЛАР

ХАНОЙ, 5 июль. (ТАСС). Нео Лао Хак Сат қуролли кучлари олий қўмондонлигининг вакили генерал Фун Сипасатнинг Лаосда кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга юборган мактубида бундай дейилади: «Америка империалистлари ва уларнинг малайлари Вьентьянда қирувчи самолётлар учун, шу жумладан реактив самолётлар учун авиация базасини кенгайтирдилар, бомбалар ва бошқа ўқдорилар сақланадиган омбор биноларини қурдилар, неча юз тонналаб ёнилғи ва қурол-яроғларни Таиланддан Лаосга келтирдилар ва қўшимча равишда неча мингдаб ҳарбий хизматчиларни Вьентьян ва Саваннакетга юбордилар».

Вьетнам информация агентлиги тарқатган бу мактубда Қўшма Штатларнинг Лаосдаги ҳарбий авиация базаларини кенгайтириш ва кўлгина янги базалар қуришга ҳамда Лаосга қурол-яроғ ва ҳарбий хизматчиларни юборишга қаратилган ҳаракатлари қораланади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

● **Жакартада Индонезия республика деб эълон қилинган кунга 17 августда йиғирма йил тўлишига бағишланган виставка тантанали суратда очилди. Виставкадаги жуда кўп экспонатлар Индонезия халқининг экономика ва маданият соҳасида эришган муваффақиятларини, қолоқлик ва қашшоқликни, касаллик ва савод-сизликни тугатиш йўлида кўлга киритган ғалабаларини тасвирлайди.**

● **Чили президенти Эдуардо Фрейнинг Римга қилган икки кунлик расмий визити тамом бўлди. Эдуардо Фрей шу визити вақтида Италия билан Чили ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш истиқболларини ва Чилини ривожлантиришда Италиянинг зўр иштироки тўғрисидаги масалани Италия президенти Жузеппе Сарагат билан муҳокама қилди. Италия ташқи ишлар министрлиги томонидан эълон қилинган қисқача ахборотда бундай дейилади: Сарагат шу йилнинг куз фаслида Жанубий Америкага борган пайтда ҳар иккала президент Сант-Ягода шу масалалар юзасидан музокараларни давом эттиради.**

● **Малайзия ҳукумати шу йилнинг 13 майида фавқулодда қонунларни жорий қилган эди. Малайзия касаба союзлари конгресси бу қонунларнинг жорий қилинишига қарши норозилик билдириш юзасидан ўзининг ҳамма аъзоларини ҳар ойнинг ўн учинчи кунини «Малайзияда демократия ва озодлини тугатиш» куни сифатида нишонлашга чақирди. Фавқулодда қонунлар ишчиларнинг ҳар қандай ҳаракатини, шу жумладан забастовкаларни ҳам тақиқлайди.**

● **Бирманинг революцион кенгаши миссионерларга қарашли тўртта асосий госпитални национализация қилди. Рейтер агентлигининг мухбири шу тўғрида Рангундан хабар беради. (ТАСС).**

СОВЕТ ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) 1957 йилдан бошлаб Европа биринчилиги учун тўрт йилда бир марта мусобақалар ўтказиб ғуради. Аввалги икки мусобақа голиби — СССР командаси бу ғал қуйидаги составда Гамбургга жўнади: жаҳон чемпиони Т. Петросян, собиқ жаҳон чемпионлари М. Ботвинник, В. Смислов, мамлакат чемпиони В. Корчной, халқаро гроссмейстерлар Д. Бронштейн, Л. Штейн, М. Тайманов, Ю. Авербах, Н. Крогиус, И. Болеславский, халқаро мастерлар А. Лейн ва А. Лутиков.

Кубок ва олтин медаллар учун қитъанинг шахмат бўйича энг кучли олти мамлакати — СССР, Югославия, Венгрия, ГФР, Румния ва Голландия командалари қураштилар. Командалар бир-бирлари билан икки марта учрашдилар. Матчлар 10 тахтада олиб борилди. Вакилларимиз венгрияликларни 10,5:9,5, Югославия ва Германия Федератив Республикаси шахматчиларини бир хил ҳисобда 13:7, руминияликларни 14,5:5,5 ва голландияликларни 15:5 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. 100 имкониятдан 66 очко тўплаган СССР командасининг лидери Т. Петросянинг вазифаси бошқаларникидан оғирроқ бўлганига шубҳа йўқ, албатта. Ўн учрашувнинг иккитасида ғалаба қозониб, сакизтасини дуранг қилган жаҳон чемпиони, ўз тахтасида биринчи ўринга чиқди. Мусобақа якунланган куни 36 ёшга тўлган Т. Петросян ўзига ва ўйинни кузатиб борган миллионлаб совет шахмат шинавандаларига яхши, арзигудек совға тайёрлади. Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган югославиялик гроссмейстер Б. Ивков чорак финал олдидан Петросяндан «дарс» олишга мажбур бўлди. Биринчи даврада ўйналган 5 партияда 3,5 очко тўплаган М. Ботвиннин иккинчи даврада ўйнаган 4 учрашувдан бир очко олди, холос. Ҳар куни 7-9, баъзан ундан ҳам кўпроқ соат кураш билан банд бўлиш 54 ёшли Ботвиннин учун оғир келди. Учинчи тахтада В. Корчной 9 имкониятдан 5,5 очко, тўртинчи тахтада В. Смислов 9 имкониятдан 6 очко, бешинчи тахтада Д. Бронштейн 9 имкониятдан 5 очко, еттинчи тахтада М. Тайманов 8 имкониятдан 5 очко, саккизинчи тахтада Ю. Авербах 8 имкониятдан 6 очко, тўққизинчи тахтада Н. Крогиус 8 имкониятдан 4,5 очко, унинчи тахтада И. Болеславский 6 имкониятдан 5 очко олди.

Айрим турларда Ботвиннин, Корчной, Смислов, Бронштейн, Тайманов, Авербах, Крогиус ва Болеславскийнинг ўринни эгаллаган завоблари қатнашчилар А. Лейн ва А. Лутиков кутилганидан анча яхши натижага эришдилар. Катта майдонда синаб кўриш учун қилинган тажриба асосли бўлиб чиқди: ёш мастерлар ишончли оқлаб, куч жиҳатидан гроссмейстерлардан қолишмасликларини намойиш қилдилар. А. Лейн 7 учрашувда 6 очко, А. Лутиков эса 8 учрашувда 6,5 очко олди.

Составида 7 гроссмейстер ва 3 халқаро мастери бўлган Югославия ҳамда 5 гроссмейстер, 5 халқаро мастерга эга Венгрия командалари 57 тадан очко тўпладилар. ФИДЕ томонидан белгиланган махсус коэффициентлар системасига кўра югославияликлар кумуш, венгрияликлар эса бронза медалларига лойиқ кўрилди.

1961 йилги ва бу ғалги Европа биринчиликлари якунларини таққослаганда, биринчи ва иккинчи ўринга чиққан командалар тўплаган очколар фарқининг 8.5 тага камайганлигини кўрамиз. Бу социалистик мамлакатларда шахматнинг нақадар тез суръатлар билан ривожланаётганлигидан далолатдир.

М. МУҲИДДИНОВ,

СССР спорт мастери.

ОҚ УЙНИНГ ПУЧ РЕЖАЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Яқинда Америка президенти Жонсон, Американинг Жанубий Вьетнамдаги элчиси генерал Тэйлор ҳамда мансабдор ҳарбийлар ва дипломатлар иштирокида Оқ уйда кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда яна Вьетнам масаласи кўрилди. Матбуот хабарларига кўра, Америка ҳукмронлари, айниқса Пентагон раҳбарлари Жанубий Вьетнамда ўз режалари амалга ошмаганидан ғоят ташвишланмоқдалар.

Жанубий Вьетнамда ғолиб чиқмоқ учун Америка империалистлари катта куч ва воситаларни ишга солялти. Американдан неча минг километр узоқда бўлган Вьетнамга Америка империалистларини и н г чанг солаётганига сабаб нима? Аввало, Жанубий Вьетнам ҳарбий-стратегик жиҳатдан Шарқи-Жанубий Осиёда жуда муҳим ўрин тутади. «Кимки Вьетнамда ҳукмронлик қилса, у оқибат натижада Индонезия тизма ороллари ниг каттагина қисми устидан назорат ўрнатади», деб ёзган эди танилли Америка ҳарбий шарҳчиси Хэнсон Болдуин.

Иккинчидан, Америка империалистлари Вьетнамда ҳукмронлик қилиш билан Шарқи-Жанубий Осиёда қулоч ёзаётган миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашни кўзламоқдалар.

Учинчидан, Жанубий Вьетнам арзон ишчи кучи ва ҳом ашё манбаи сифатида ҳам Америка монополияларини қизиқтиради.

Мана, ўн йилдан ортиқдирки, американлик «маърифатпарварлар» Жанубий Вьетнам сиёсатини, экономикасини ўз қўлларига олиб, меҳнаткаш халқни эзиб келяптилар. Бир гуруҳ маҳаллий сотқинлар Америка ногорасига ўйнаб, ўз миллатига, ватанига, халқига хиёнат қиляпти. Бунинг натижасида Жанубий Вьетнам экономикаси орқага кетди, саноат ва қишлоқ хўжалиги издан чиқди. Бир вақтлар у чет мамлакатларга йилига 1,5 миллион тонна гуруч чиқарар, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилигини дон билан таъминлар эди. Эртаю кеч тер тўккан меҳнаткаш эндиликда бир бурда нон гадоси. Деҳқон қишин-ёзин қарздан қутулмайди, ишчининг муҳтожликдан бошни чиқмайди. Мамлакат бозорлари Америка моллари билан тўлиб-тошганлиги сабабли корхоналар ёпиб қўйилган ва минглаб ишчилар кўчага ҳайдалган. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир Жанубий Вьетнамда 1,5 миллиондан ортиқ киши иш ахтариб юради.

Миллий даромаднинг кўпи ҳамда Американдан олинаётган «ёрдам»нинг бариси қуролланишга, қонли урушга харжланяпти. Хўжаликка бюджетнинг фақат 3 процентигина сарфланади, холос. Аҳолининг моддий маданий турмуши, унинг соғлиғи ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди.

1954 йилдан бери маҳаллий сотқин ҳукмронлар Америка ҳарбийлари ёрдамида мингминглаб тинч аҳолини қирғин қиляптилар. Ватан мустақиллиги, халқ эрки деб майдонга отилган ватанпарварлар билан ҳукумат армияси ўртасида қуролли кураш кўп вақтдан бўён давом этиб келяпти.

Америка империалистлари яқин вақтларгача озодлик ҳаракатини Жанубий Вьетнам ҳукмронлари қўли билан бўғишга уринган келди. Улар Жанубий Вьетнам қўғирчоқ ҳукуматларига жуда кўп миқдорда қурол-яроғлар етказиб бердилар, Америка ҳарбий маслаҳатчилари ҳарбий операция планларини тузиб бердилар, уни амалга оширишда раҳбарлик ҳам қилдилар. Бироқ, ватанпарварлар курашини енгиш мумкин бўлмади. Халқ ғазаби, озодлик ҳаракати кундан-кун авж олиб кетаверди. Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти атрофига уюшган ватанпарварлар душман қўшинларига қақшатқич зарбалар берди ва беряпти. Миллий-озодлик кучлари Жанубий Вьетнам территориясининг бешдан тўрт қисмини озод қилдилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг муваффақиятлари Америка ҳукмронларини эсанкиратиб қўйди. Улар қонли урушда бевосита қатнашиш режасини туздилар. Таниқли халқаро обзорчи У. Липпманнинг эътироф этишича, илгари Сайгон қўшинлари Америка ёрдамида уруш қилган бўлсалар, «Эндиликда Жанубий Вьетнамдаги уруш бевосита Америка уруши бўлиб қолаётир». Мамлакатдаги Америка солдатлари 60 минг кишидан ортиб кетди.

Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги бебошлиги аҳоли ғазабини ошириб юборди. Халқ қасосчилари душманга қарши курашда янада зўр шижоат ва матонат кўрсатяпти. Америка ва Сайгон қўшинлари қалтак устига қалтак еяпти.

«Юнайтед Стейтс энд Уорлд рипорт»нинг эътироф қилиб ёзишича, шу йил май ойининг ўзидагина Жанубий Вьетнам армияси 4 минг солдатдан ажради. Бу апрель ойидаги талафотлардан икки баравар кўп, дир. Америка қўшинлари ҳам икки баравар кўп талафот кўряпти.

«Йиқилган курашга тўймас» деганларидек, Америка империалистлари Вьетнам урушини яна кенгайтирмоқчилар. Шу мақсадда Оқ уй ва Пентагонда тез-тез ҳарбий кенгашлар бўляпти. Урушга доир турли планлар тузиляпти. Яқинда президент Жонсон илтимоси билан Америка конгресси Жанубий Вьетнамга «ёрдам» деб, 700 миллион доллар маблағ ажратди. Бундан илҳомланган Пентагон яна кўплаб ҳарбий қўшинларни Жанубий Вьетнамга жўнатиш тараддудида. Мудофаа министри Макнамара эса Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларини 300 минг кишига етказишни мўлжаллаяпти.

Бироқ, Америка империалистлари чучварани хом саманяптилар. Эрк, ҳуррият интилаётган халқлар иродасини қурол кучи, дўқ-пўписалар билан буза оладиган замонлар аллақачон ўтиб кетди. Вьетнам меҳнаткашлари ўз озодлигини зўр сабот-матонат билан қимоя қилмоқдалар.

Жанубий Вьетнам халқи ўз она юртини келгиндилар ва сотқинлардан албатта, халос этади, эрк, озодликка муяссар бўлади.

А. ФОТИҲ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

7 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Кичик концерт, 8.25 — Концерт, 9.30 — Фортепьяно пьесалари, 10.30 — М. Бурҳонов асарлари, 11.10 — «Тахмин эмас, факт», 11.25 — Концерт, 13.40— Эстрада оркестри концерти, 16.15 — Л. Аустрининг «Шимол туши» фантастик балетидан парчалар, 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.10 — Енгил куйлар (рус.), 18.30 — СССР халқларининг ўқушиқ ва рақслари, 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — КПСС МК март Пленуми қарорлари амалда (рус.), 20.10 — Концерт (рус.), 20.45 — «Резервлар ишга солинди», 21.30 — «Торпедо» (Кутаиси) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида футбол, 22.15 — «Алла» қўшиқлари, 22.40 — Поэзия кечаси, 23.20 — Адабий-музикали эшиттириш.

Телевидение

7 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.25 — **Юлдузча** тележурнали, 19.00 — **Баскетбол бўйича Европа биринчилиги мусобақаси,** 19.30 — **Ғўза парваришини кучайтирайлик,** 19.50 — **Тожик музикаси.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.55 — **Здоровье** тележурнали, 21.35 — **Реклама ва эълонлар,** 21.45— **Мен—Куба** номли бадиий фильмнинг 1-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Ким бўлсам экан?** (болалар учун), 18.30— **Тошкент янгиликлари,** 18.40 — **Хирург Зеленин куйлайди** (телеочерк), 19.15 — **Шоҳни алишманг!** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 20.45 — **Гуллабяшна, Олмалиқ** (телеочерк), 21.05— **Тошкент янгиликлари,** 21.15 — **Ёшлик фестивали** («Ёшлик» студияси), 21.35 — **Бадиий фильм.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VII да **Русалка.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — **Андижон область Охунбобоев номли муздрамкомедия театри гастроллари** — 7/VII да **Равшан ва Зулхумор,** 8/VII да **Жон қизлар.** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 7, 8/VII кеч соат 8 да **Узбек Давлат филармонияси ва эстрада артистларининг концертлари.** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жуманазар Бекжонов, Эргашхон Мирмаҳмудова, Меҳри Абдуллаева, Қундуз Миркаримова, Учқун Ганиев, Убайдулла Мадраҳимов,** солистлар ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Улуғ Ватан уруши (кундуз ва кечқурун), **Оқар Волга** (кеч соат 7 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Байжу Бавра — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун, 2-залда кеч 6 ва 8 да).

Авария — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9-45 минутда).

Антарктида қонуни — «ВОСТОК» (кичик залда кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Лимонадли Жо — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ужар болалар —«МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

Урмондан ўтган йўл — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11 ва кеч 10 да).

Бир қиз бўлган экан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Горькийнинг болалик чоғи — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Жосус билан учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ», «САЛЮТ», ПУШКИН номли.

Антарктида қонуни — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

Байжу Бавра — «ВАТАН», НАВОИЙ номли.

Урмондан ўтган йўл — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 10 яримда).

Авария — ҚАФАНОВ номли.

Лимонадли Жо — «1 МАЙ».

Унучлар — «УДАРНИК».

Тарбиясиз қиз — «ПАХТАКОР».

Аляска тулкилари — СТЕПАН РАЗИН номли.

Тўрғай — «РАКЕТА».

Яширин инспектор —«ОҚТЕПА».

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

3-қаватда

Тошкентдаги 1 ва 2-пойафзал фабрикалари ишлаб чиқарган

ПОЙАФЗАЛ сотиш-виставкаси

ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Сотиш-виставкасида **эркаклар учун:** чармдан, газламадан ва бошқалардан тайёрланган турли размер ва хилда полуботинкалар, сандалетлар, чувяклар, хона туфлилари, этиклар бор;

хотин-қизлар учун: ҳар хил ранг, фасон ва моделда, ўртача ва баланд пошнали ёзги туфлилар, полуботинкалар, сандалиялар қўйилган.

Сотиш-виставкасини келиб кўринг!

Пойафзалнинг хилини кўпайтириш ва Тошкент пойафзал фабрикалари маҳсулотининг сифатини яхшилашга қаратилган таклифларингизни айтинг.

Сотиш-виставкаси 16 июлгача давом этади.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг

АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосларга 1965/66 ўқув йили учун

студентлар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш — автотрактор ва қишлоқ хўжалик машиналари паркини экс. плуатация ва ремонт қилишга доир механик инженерлар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 4 йилу 8 ой.

Гидромелиорация — мелиорация системалари, ирригация иншоотлари ва гидроэнергетика узелларини қидириш, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишга доир гидротехник инженерлар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 4 йилу 8 ой.

Агрономия — олий малакали агрономлар тайёрлайди. Ўқиш муддати — 4 йилу 4 ой.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Адрес: Андижон область, Избоскан район, Куйганёр посёлкаси.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА 1-МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ:

медсестра, рентген ва электр медицина аппаратларини монтаж ва ремонт қилувчи техник ихтисосларига

1965/66 ўқув йили учун

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимга даволаш-профилактика муассасаларида медсестра, рентгентехник, рентгенлаборант, медицина аппаратларини ремонт қилувчи мастер вазифасида ишлаб турган ҳамма ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Медсестралар учун ўқиш муддати: 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга — 3 йил, 7, 8, 9-синф ҳажмидаги маълумот билан — 4 йил, рентгентехниклар учун: 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга — 3 йилу 6 ой, 7, 8, 9-синф ҳажмидаги маълумот билан — 5 йил.

Аризалар 5 августгача қабул қилинади. Аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб бериш лозим: таржимаи ҳол, етуклик аттестати (асл нусха) ёки 7, 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги шаҳодатнома (асл нусха) ёки 8, 9-синфга ўтганлик ҳақидаги шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасининг муассаса раҳбари тасдиқлаган копияси, соғлиғи ҳақида 286-форма медицина справкаси, 3х4 сантиметр ҳажмида 3 та фотокарточка, турар жойдан справка. Бу ҳужжатлар заказной бандероль қилиб юборилсин.

Адрес: Тошкент шаҳар-19, Киров райони, Барнаул кўчаси, 9-уй (10-трамвай, 2-троллейбуснинг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси). Телефон 2-38-42.

Ўзбекистон ССР Давлат геология комитетининг

БУХОРО РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

технологлар, конструкторлар, бош бухгалтер, бухгалтерлар, токарлар, пармалаш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, элек. тросваркачилар, электриклар

КЕРАК

Бухоро шаҳар, Проект кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 30-36.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469. 31226. Пропаганда — 27221. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва ҳатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 156. ИНДЕКС 64543. Р. 02115.